www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 19-may № 62 (2943) payshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Ён-атрофимиздаги халқлар билан дўстлик ва аҳиллликни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шаън-шавкатимиз манбаидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

Ўзаро ҳамкорлик ва тенгликка асосланган узоқ муддатли стратегик шериклик

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунларига доир

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йил 17-18 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Ҳиндистон томонининг ташаббусига биноан ушбу ташрифга халқаро тажрибадаги энг олий — давлат ташрифи мақоми берилди. Бунда икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражада ривожланаётгани, шу билан бирга, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик алоқаларининг кўп асрлик қадим илдизлари инобатга олинган.

Ҳиндистон ноёб тарихга эга, юртимиз билан азалий ва мустаҳкам маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар, энг муҳими, самимий дўстлик ришталари билан боғланган мамлакат сифатида яхши маълум.

Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, тасвирий санъати ва меъморчилигида ҳам муштарак жиҳатлар кўп. Уларнинг бир-бирини яқиндан билиши, маданиятини ўзаро бойитиши кўп жиҳатдан буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ.

Ташрифнинг расмий қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига Ҳиндистон Президентининг «Раштрапати Бхаван» саройи олдидаги майдонда ўтказилган тантанали кутиб олиш маросими билан бошланди. Ўзбекистон раҳбарига олий даражада иззат-икром кўрсатилди.

Шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Президенти матбуот учун қисқача баёнот бериб, саммитнинг юксак савиясини намоён этувчи ушбу давлат ташрифидан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболини танқидий таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлади. Иккинчи муҳим жиҳат — мамлакатларимизни бир хилда ташвишлантираётган ва қизиқтираётган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамасидир. Учинчидан, ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш, сиёсий, иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига янгича суръат бахш этиш.

Ташриф расмий қисмининг дастлабки воқеаси Бош вазир Манмоҳан Сингх билан тор доирадаги учрашув бўлди. Унда икки мамлакат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболини атрофлича муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига бевосита таллуқли бўлган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, шунингдек, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги самарали ҳамкорлик юзасидан ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида фикрлашдилар. Ўзбекистон Ҳиндистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибига доимий аъзо бўлиш борасидаги интилишларини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Музокарада икки томонлама, минтақавий ва глобал даражадаги деярли барча масалалар бўйича ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам тенг ҳуқуқлилик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Томонлар қўшни Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиб, ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик қарор топиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Зеро, бу нафақат минтақавий ҳамкорлик учун улкан имкониятлар яратади, айни пайтда Ҳиндистон ва Ўрта Осиё бозорлари ўртасидаги масофани қисқартирадиган иқтисодий фойдали йўналишларни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги «Ўрта Осиё — Форс кўрфази» ва Трансафғон йўлаги ерусти транспорт коридорларининг шакллантирилиши туфайли юзага келадиган имкониятларга қизиқиш ортиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингхнинг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокарасида ҳам шу ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Олий даражадаги музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёти юқори суръатларда ўсаётган Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун икки томонлама товар айирбошлашнинг бугунги ҳажми қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Ҳиндистон компанияларининг улар ўзлари илғор технологик салоҳиятга эга бўлган тармоқларда сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Шу маънода «Спентекс Индастриз» компанияси билан ҳамкорлик муваффақиятли шерикликка яхши мисолдир. Ўзбекистон тўқимачилик саноатига йирик миқдорда сармоя киритаётган компаниялардан бири бўлган «Спентекс Индастриз» билан ҳамкорликда пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фармацевтика компанияларида, нефть-газ соҳаси ва кимё саноатида ҳам талай йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари Навоий шаҳри аэропортидаги қитъалараро интермодал хабда очилаётган имкониятларга қизиқиш билдирмоқда. Транзит юклаш ва тушириш маскани бўлган бу хаб Европа, МДҲ, Якин Шарқ мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақаларига оптимал муддатларда ўзаро юклар ташилишини таъминлайди. Ҳозирги кунда ушбу халқаро хабдан жаҳоннинг етакчи транзит нуқталарига, жумладан, Ҳиндистоннинг Деҳли ва Мумбай каби саноат марказларига мунтазам равишда қатновлар амалга оширилмоқда.

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишларидан бири сифатида ахборот технологиялари соҳасини, биринчи галда, ҳиндистонлик мутахассислар ҳақли равишда дунёда етакчи ўрин тутадиган дастурий маҳсулотлар ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш, масофали таълим ва бошқа тармоқларни қайд этдилар. Шу маънода беш йил муқаддам Тошкентда очилган Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази оммавийлашиб бораётгани таъкидланди. Бу ерда ёш мутахассислар энг илғор усуллар бўйича таълим олмоқда, дастурлашнинг замонавий тамойиллари кенг жорий қилинмоқда.

Ташриф доирасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида имзоланган «Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар дастури» сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатлар муштараклигининг тасдиғи бўлди.

Илмий-техникавий ҳамкорлик борасида кенг имкониятлар мавжуд экани қайд этилди. Ўзбекистонлик олимлар ва илмий марказлар вакиллари физика, биотехнологиялар, материалшунослик, қуёш энергетикаси, лазер технологиялари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш каби соҳаларда ҳиндистонлик ҳамкасблари билан қўшма тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа олий мартабали раҳбарлари — Президент Пратибҳа Патил, Вице-президент, Парламентнинг юқори палатаси Спикери Ҳамид Ансари, ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришна билан учрашиб, самарали музокаралар ўтказди. Ҳиндистон протоколига биноан Парламент қуйи палатасидаги мухолифат етакчиси Сушма Свараж билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон раҳбари Маҳатма Ганди ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди ва бутун умрини миллий озодлик курашига бахшида қилган ҳинд халқининг буюк фарзанди хотирасига ҳурмат бажо келтириб, гулчамбар қўйди.

Умуман, музокаралар қатнашчилари ҳамда Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифини ёритган Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ходимлари эътироф этганларидек, олий даражадаги Ўзбекистон — Ҳиндистон мулоқоти, имзоланган узоқ истиқболга мўлжалланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига кучли суръат бахш этиш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнотда таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар тенглик ва ўзаро англашув тамойиллари асосидаги узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Стратегик ҳамкорлик кенг қўламли йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, терроризмга қарши кураш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини, илм-фан ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштиришни назарда тутади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватанимизнинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонлари ва гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 17 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2011 йил 17 майдаги ПФ-4306-сонли
Фармонига 1-илова

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватанимизнинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2011 йил 17 майдаги ПФ-4306-сонли
Фармонига 2-илова

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони ТАВСИФИ

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олд томонида таралаётган қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасига ўрнатилган турналар шакли тасвирланган, унинг қуйи қисмида ер шари тасвири туширилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси харитаси акс эттирилган. Эсдалик нишонининг юқори қисмининг марказида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг юбилей санасини англатувчи «20 YIL» деган ёзув берилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 20 YIL» сўзлари ёзилган бўлиб, икки чеккасидан саккиз қиррали юлдуз билан чегараланган.

Эсдалик нишонининг олд томонидаги «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 20 YIL» сўзларининг фони қизил эмаль билан, таралаётган қуёш нурлари, турналар ва ер шари акс этган қисмидаги фон мовий ранг эмаль билан қопланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмининг марказида «2011» ёзуви қайд этилган.

Тасвирлар ва ёзув қабарикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

Эсдалик нишони ҳалқача ва илгакча ёрдамида устки қисмига эни 20 миллиметрли мовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

Тезроқ, баландроқ, кучлироқ

Мазкур репортажимиз касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган, нуфузи жиҳатдан Олимпиада ўйинларига бўйлашолмаса-да, иштирокчиларининг шижоати, ғалабага чанқоқлиги ва яна бошқа кўплаб жиҳатлари билан эътиборни тортган Республика спартакиадаси ҳақида.

(Давоми 4-бетда)

Юрт обод, Ватан гўзал, халқ фаровон

Фарғона вилоятида олиб борилаётган улкан яратувчилик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида йўлга чиқдик. Текис, равон йўлдан елиб бораётган «Нексия» кишининг завқини келтиради. Ҳамроҳларимиздан бири «бундан ўн-йигирма йил олдин кимдир тоғлар орасида замонавий йўллар қурилади деса, ишониш қийин эди» дея ҳайратини яшира олмади. Дарҳақиқат, бир пайтлар йўлнинг торлигидан машиналар тирбандлашиб қолар, ноқулай шароитда ҳафталаб довонда қолиб кетиларди. Агар бирор юк машинаси ортига тушиб қолсангиз борми, йўл азоби қандайлигини ана ўшанда билардингиз. Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа нуқталари билан боғлаб турувчи йўлнинг барпо этилиши мустақиллик берган чексиз имкониятлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди...

Автоуловимиз Олтиариқ туманидан чиқиб, вилоят марказига элтувчи кенг ва равон, икки томони анвойи гуллар экилган йўлда кетар экан, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, мамлакатимиз саноатида тутган ўрни хаёлимиздан бир-бир ўтди.

Фарғона вилоятига бежиз Марказий Осиё марвариди дея таъриф беришмайди. Сўлим водий кўчалари, боғ ва хиёбонларида чинор, терак, эман, қайин ва бошқа дарахтлар кўкка бўй чўзган. Яшил чинор Фарғонанинг рамзи этиб танланганлиги ҳам бежиз эмас. Марғилон, Қўқон ва Риштон каби кўҳна шаҳарларнинг довруғи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Риштоннинг аньанавий мовий сопол идишлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам яхши маълум.

Вилоятнинг табиий ресурслари ҳам хилма-хил. Ўзбекистондаги энг йирик кварц кони ҳам шу ерда. Олтин, кумуш, алюминий, темир, волфрам, уран, молибден, гранит, кўмир, мармар ва бошқа конлар мавжуд. Нефт ва газнинг катта захиралари бор. Вилоятда 80 дан ортиқ саноат корхоналари, шу жумладан, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қўқон суперфосфат заводи», «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи», «Электромаш» акциядорлик жамияти фаолият юритмоқда. Кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, енгил саноат, мебел саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, электроника ва бошқа тармоқлар алоҳида ўрин эгаллайди. Индустриянинг асосий маҳсулот турлари орасида нефт, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган турли ўғитлар, шиша буюмлари, цемент, автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари бор.

(Давоми 3-бетда)

● *Минтақавий ўқув*

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Абу Али ибн Сино номидаги дам олиш масканида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг бир ҳафталик ўқув-семинари ташкил этилди.

Билим, тажриба ва ҳуқуқий саводхонлик

бошланғич ташкилот етакчисининг муҳим сифати

Билим, тажриба, ҳуқуқий саводхонлик бошланғич ташкилот етакчиларининг муҳим сифати бўлмоғи зарур. Тармоқ қуйи ташкилотлари раҳбарларида ана шу хислатларни шакллантириш учун озмунча иш қилинмаяпти. Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятлари қуйи ташкилотларининг бир ҳафталик ўқуви дастуридан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этишнинг устувор жиҳатлари ўрин олди. Ўқув-семинар иштирокчиларига тафаккурни бойитиш билан биргаликда саломатликларини мустаҳкамлаш имкониятлари ҳам яратилди.

Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши мутахассислари, вилоят тармоқ кенгаши ходимлари, ҳуқуқ, маънавият ва маърифатга дахлдор ташкилот мутасаддилари томонидан режалаштирилган дастур асосида маърузалар қилинди.

Ўқув-семинар иштирокчилари Нуробод туманидаги 2- ва 67-мактаб ҳамда Самарқанд шаҳридаги 57-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан таништирилди. Турли маданий-маърифий, спорт тадбирларида иштирок этишди. Энг муҳими, улар касаба уюшма фаолияти қўламини қамраб олган ҳужжатларни юритиш тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлдилар.

— Ўқув қуйи ташкилот жанговарлиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади, — дейди Иштихон туманидаги 39-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Бурхон Муҳаммадиев.

Ўқув-семинарда иштирок этган 40 нафар тармоқ ходимлари Жиззах вилояти бошланғич ташкилот етакчилари ҳамкасблари тажрибасига юқори баҳо беришди.

— Кўҳна Самарқанд саёҳати, вилоят касаба уюшмалари, бошланғич ташкилот иш услуби бизга манзур бўлди, — дейди Жиззах вилоят Арнасой туманидаги 20-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Дониёр Суннатов. — Ўқув-семинар жараёнида ҳали кўп изланишимиз кераклигини ҳис этдик. Жамоат ташкилотимиз ижтимоий шерикчилик асосида кўп ишлар қилиши мумкин эканлигини чуқур англадик.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

***

Ушбу мавзуда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Бўстон» сиҳатгоҳида Тошкент шаҳри, Сирдарё, Тошкент вилоятлари умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма қўмитасининг 131 нафар раислари учун минтақавий ўқув-семинари ташкил қилинди.

Республика педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти У.Мусаевнинг маърузаси билан машғулотлар бошланди. Педагогика фанлари номзоди А.Акмалов, ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаев, Марказий кенгаш меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Р.Муллахметовлар кўргазмали тарзда маруза қилишди. ЎзКУФК юридик бўлими мудири А.Рисқуллаев ҳамда Марказий кенгаш молия бўлими мудири А. Абдувоҳидовнинг фикр-мулоҳазалари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб Чирчиқ шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги бир қатор бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолияти билан танишдилар.

Ўқув-семинарда Марказий кенгаш раиси Носирхон Акбаров Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган концепция ҳамда 2011 йил 21 январда ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V, тармоқ касаба уюшмасининг IV қурултойлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Давра суҳбати чоғида бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр алмашилди.

Ш.РАМАЗОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мутахассиси

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

Ўзаро ҳамкорлик ва тенгликка асосланган узоқ муддатли стратегик шериклик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташриф асносида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик доирасида ёқилғи энергетикаси, ахборот технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, банк соҳаси ва савдо-сотиқни ривожлантириш борасида алоқаларни тубдан кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўттиздан зиёд, жумладан, Ҳиндистоннинг етакчи «Ойл энд начурал гэз корпорейшн» нефть-газ компанияси билан ҳамкорликда углеводород захираларини излаш, разведка қилиш ва ўзлаштиришга, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида оптик толали кабель ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни, субстанциялар ва турли тиббий дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Етакчи йирик тўқимачилик компаниялари билан пахта, ипак ва тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар савдоси бўйича ҳужжатлар имзоланди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида смартфонлар, планшетли компьютерлар ва интернет-приставкалар, шунингдек, қуёш-гибрид технологиялари асосида электр таъминоти манбалари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Имзоланган ҳужжатлар кимё соҳасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистоннинг Экспорт-импорт банки ўртасида узоқ муддатли имтиёзли шартлар билан кредит линияси тақдим этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ минерал ўғит ва бошқа стратегик товарларни йирик миқдорда ва узоқ муддатли асосда етказиб бериш ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифи асносида имзоланган иқтисодий соҳага оид ҳужжатларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Томонларнинг умумий эътирофига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари, ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларнинг ҳамкорликнинг барча йўналишларида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик шериклик тамойилларига асосланган янги босқичи учун мустаҳкам замин бўлади.

(ЎзА)

Инвестициялар, инновациялар ва интеграция

Тошкентда «Ўзбекистон нефти ва гази – OGU 2011» халқаро кўргазмаси бошланди

Ушбу тадбир «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан ташкил этилган.

«Ўзбекнефтгаз» МХК раисининг биринчи ўринбосари Ш.Мажитов ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида нефть-газ тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Соҳа мутахассисларининг май ойида Тошкентдаги «Ўзэкспормарказ» миллий кўргазма мажмуасида учрашиши яхши анъанага айланди. Бу йилги анжуман 15-маротаба ўтказилмоқда ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган.

Бу йил «Ўзбекистон нефти ва гази — OGU 2011» кўргазмасининг экспозицияси «Ўзэкспомарказ»нинг иккита павильонида жойлаштирилган. Анжуманда дунёнинг 26 давлатидан 200 дан ортиқ компаниялар вакиллари қатнашмоқда. Иштирокчи давлатлар орасида Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Австрия, Озарбайжон, Буюк Британия, Германия, Дания, Эрон, Италия, Қозоғистон, Кипр, Малайзия, БАА, Польша, Россия, Руминия, АҚШ, Туркманистон, Туркия, Украина, Финляндия, Франция каби мамлакатлар бор.

Таъкидлаш керакки, бу йил кўргазмада иштирок этаётган мамлакатимиз компаниялари сони сезиларли даражада ортган. Булар орасида, биринчи галда мамлакатимиз нефть саноатининг етакчиси «Ўзбекнефтгаз» МХК бўлиб, бу компания «диверсификацияланган маҳсулот» концепциясини акс эттирувчи эксклюзив стендини намойиш этмоқда. Илк бор анжуманда «Ўзкимёсаноат» ДАК, ATIB «Drilling», «Eco Gaz», «Mashimport», «Ўзкоммунэнергосозлаш» ва бошқа компаниялар иштирок этмоқда.

Бу йил илк бора қатнашаётган субъектлар қаторидан халқаро компаниялар ҳам ўрин олган. Масалан, дунёнинг энг йирик компанияларидан бири — Озарбайжон Республикасининг «SOCAR» давлат нефть компанияси ўз стендини намойиш қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир компания юбилей кўргазмасига пухта тайёргарлик кўрганини намоён этмоқда.

Кўплаб мамлакатларнинг ёқилғи-энергетика мажмуасининг етакчи мутахассислари, олимлар, ишбилармонлик доиралари вакиллари иштирок этаётган ушбу анжуман қатнашчиларга нефть-газ соҳасида фикр алмашиш, бизнес-алоқаларни йўлга қўйиш ва келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.
Суратда: кўргазмадан лавҳа.
Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат

«Энг улуғ, энг азиз»

журналистика соҳасида республика танлови

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана — 1 сентябр халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айём. Бу йил халқимиз Ватанимиз тарихидаги қутлуғ сана — мамлакатимиз миллий мустақиллигининг йигирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги катта тарихий ва шонли воқеа — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб журналистика соҳасида «Энг улуғ, энг азиз» республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» деган ғоя мустақиллик биз учун энг буюк ва энг азиз қадрият экани, мустақилликнинг ўтган йигирма йили мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш, бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маънавият ва маърифат соҳасида эришилган улкан ютуқ ва натижаларимиз, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамияти чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама очиб берилган бўлиши керак.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги соҳалари бўйича ўтказилади:

— матбуот (1-, 2-, 3-ўрин);
— телевидение (1-, 2-, 3-ўрин);
— радио (1-, 2-, 3-ўрин);
— интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари (1-, 2-, 3-ўрин).

Бундан ташқари, юқоридаги соҳаларнинг ҳар биттаси бўйича иккитадан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2010 йилнинг 1 августидан 2011 йилнинг 1 августигача бўлган даврда газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

«Энг улуғ, энг азиз» республика танловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87

www.Journalist.uz

Матбуот анжумани ●

Аҳолининг иш билан бандлиги ислоҳотларимизнинг муваффақиятини белгиловчи биринчи омилдир. Мустақилликка қадам қўйишимиз биланоқ, бандликни таъминлаш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Яқинда Миллий матбуот марказида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда шулар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Фуқаро бандлиги

Банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш ва бўш иш ўринларини аниқлаб, уларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигига риоя этишларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш орқали иш жойлари яратилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат бозорини ривожлантириш ўз самарасини бераётгани таъкидлаб ўтилди.

Меҳнат бозорининг мониторинги аҳоли бандлиги масаласида ижобий натижаларни кўрсатди. Қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш, уй-жой — коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлик кўрсатгичи юқорилаб бораётир.

2011 йилнинг биринчи чорагида туман, шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан 132 минг нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, 247 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Натижада, 31,2 минг нафар шахс ишга йўлланма олди.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги Фармони асосида касб-ҳунар коллежларининг 333 мингдан зиёд битирувчилари 2009 — 2010-ўқув йилида ишга жойлаштирилди. 2010 — 2011-ўқув йилида эса касб-ҳунар коллежларининг 430 минг нафар битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида уларни амалиёт ўташ давридаёқ ўзларига муносиб иш топишларига замин яратишга киришилди. Ҳозирги кунда 102 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар коллежларга бириктирилди.

2011 йил биринчи чоракда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ 219 мингта янги иш жойлари барпо этилди.

Кичик бизнес субъектлари учун яратилган имкониятлар ва бошқа шарт-шароитлар натижасида ўтган уч ой давомида 67,3 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил топди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Гиёҳвандлик савдосига қарши ишончли тўсиқ

Ўзбекистон махсус хизматлари ходимлари гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган иккита трансчегаравий гуруҳ фаолиятига чек қўйди

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан амалга оширилган махсус тезкор тадбирлар самарасида гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган иккита трансчегаравий гуруҳ фаолияти тўхтатилди.

Жорий йилнинг 11 майидан 12 майига ўтар кечаси Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги юк машиналар тўхташ жойида шубҳали туюлган «Вольво» русумли юк машинаси текширилди. Юк машинасининг рефрижератор-тиркама қисмида ёқилғи учун қўшимча «хуфия» бак борлиги аниқланди. Махсус хизматнинг ҳушёр ходимлари томонидан ушбу махфий жойдан полиэтилен пакетлар ва пластик идишларга қадоқланган 13 килограмм 295 грамм гиёҳванд модда топилди ва олиб қўйилди. Шунингдек, махсус хизмат ходимлари «қора чопарлар»га тўлаш учун мўлжалланган 1500 АҚШ долларини ҳам мусодара қилдилар.

Сўроқ давомида қўлга олинганлар гиёҳванд моддаларни, тергов манфаатларини кўзлаб исми фамилияси маълум қилинмаётган, тожикистонлик наркотик моддалар сотувчисидан олгани аниқланди.

Эртаси, 13 май куни ҳам махсус хизмат ходимлари яна бир муваффақиятли ишни амалга оширдилар — Самарқанд шаҳридаги қурилиш фирмаларидан бирининг ҳудудида ер ости наркотик моддалар сақлаш жойи борлиги аниқланди. Бу ердан 200 литрли бочкага 80 полиэтилен қопчаларда жойлаштирилган 69 килограмм 702 грамм героин ва 10 килограмм 327 грамм афюн хомашёси топилди.

Терговда топилган гиёҳванд моддалар Тожикистон Республикаси Суғд вилояти фуқаросига тегишли бўлиб, кейинчалик Россия Федерацияси ҳудудига ўтказилиши мўлжаллангани исботланди. Унинг исм-фамилияси ҳам тергов манфаатларидан келиб чиқиб, маълум қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот органларидаги мавжуд маълумотларга кўра, юқоридаги гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳудуди орқали Тожикистондан Қозоғистон ва Россияга наркотик моддалар контрабандаси билан боғлиқ қатор жиноятларга дахлдордир.

Қўлга олинганларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246- («Контрабанда») ва 273- («Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш») моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди. Мазкур қонунбузарликлар бўйича тергов жараёни давом этмоқда.

Айрим кишилар енгил ва мўмай бойлик орттириш мақсадида ҳамма нарсага, ҳатто инсонлар ҳаётини хавф остига қўйишга ҳам тайёр бўлади. Улар ҳар куни гиёҳванд моддаларни сотиш орқали инсонлар умрини хазон қилади. Бироқ жамиятимиз ҳимояси учун шай турган инсонлар доимо ҳушёр. Ўзбекистон махсус хизматлар ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли бу гал ҳам Тожикистондан Россияга олиб ўтилиши мўлжалланган йирик миқдордаги гиёҳвандлик моддалари қўлга олинди ва кўплаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди.

«UzReport.com» сайтидан

Миндонобод шаҳарчасидаги замонавий уйлар.

Фарғона туманидаги интенсив боғ.


Т.Сотиболдиев номидаги болалар оромгоҳи мавсумга шай.

Юрт обод, Ватан гўзал, халқ фаровон

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳаш-паш дегунча вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ҳам етиб келдик. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бирлашма ўз атрофида 12 тармоқ касаба уюшма кенгашлари, 55 та ҳудудий, 19 та туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталари, 2509 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларини бирлаштиради. Улар орқали 671586 нафар аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинади.

— Вилоятимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инвестицияларни жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида салмоқли ишлар бажарилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Анваржон Юнусов. — Жумладан, 11 та лойиҳа асосида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ биринчи чоракнинг ўзида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 59,3 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Вилоятда йил бошидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уй меҳнатини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан 21 минг 600 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 71 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Қувонарлиси, бу жараёнларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2010 йил 28 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи натижаларига мувофиқ Федерация кенгаши ва аъзо ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар» ижросини таъминлаш, шунингдек, Федерация кенгашининг 2011 йил 28 январда ўтказилган II мажлисида долзарб масалалар қаторида кўрсатилган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Кенгашимиз Қўштепа туманидаги қурилиш ва саноат касб-ҳунар коллежини оталиққа олган, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Бахтиёр Дадажонов. — Ўқув масканида ҳозир 871 нафар йигит-қиз 6 та йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома тузиш мақсадида тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Натижада, амалиёт ўташ ва ишга жойлаштириш масалалари шу кунгача 92 фоизга бажарилди. 3 томонлама шартномани тузишда фаол иштирок этган ўқитувчилар Асилбек Аббаров, Нурилло Мўминов, Ҳамдамжон Қурбоновлар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

Ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, «устоз-шогирд» анъанасини давом эттириш мақсадида жойларда меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари иштирокида ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Каримжон Маҳкамов ўз лимонарийсида.

Тиббиёт коллежининг ташқи кўриниши.

Айни пайтда коллежда 52 нафар ўқитувчи ҳамда 5 нафар муҳандис-педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Улар 6 та касб бўйича 857 нафар ўқувчига билим бермоқда.

Коллеж ахборот ресурс марказида 43431 дона турли дарсликлар, услубий қўлланма, бадиий адабиёт мавжуд. Таълим муассасаси «Ziyo-net» тармоғига уланган.

— Битирувчиларимиз дипломолди амалиётини туман «Сувоқава» корхонаси, фермерлар уюшмаси, МТП АЖ, «Водий газтаъминот» унитар корхонаси Қўштепа туман филиали, Фарғона «Сувоқава» бошқармасига қарашли «Фарғона Аэрация» станцияси ва хусусий корхоналарда ўташмоқда, — дейди коллеж директори Ғайратжон Мадаминов. — Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича гуруҳ раҳбарларидан ташқари ҳар бир педагог ўқитувчиларга битирувчилар бириктирилган. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан коллежнинг истеъдодли ўқувчиларидан 10 нафарига ва коллеж ички имкониятларидан келиб чиқиб кам таъминланган оила фарзандларидан 2 нафарига 25.000 сўмгача стипендия ташкил этилган.

МАВСУМГА ШАЙМИЗ

Вилоятда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Жумладан, вилоят ҳокимининг қарори асосида мавсум давомида 113 та болалар оромгоҳларида жами 21760 нафар, шундан шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 11900 нафар, кундузги оромгоҳларда 9770 нафар болалар дам олдирилиши режалаштирилган.

Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг 2011 йилнинг 23 мартдаги қарори асосида ҳар бир шаҳар, туманларга болаларни соғломлаштириш ишларини ташкил этиш, болалар оромгоҳлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ёзги мавсумни муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида масъул ходимлар бириктирилган.

Ёзёвон туманидаги «Саломатлик-Р» МЧЖга қарашли «Гулшан», Тошлоқ туманидаги халқ таълими бўлимига қарашли «Оқолтин» болалар оромгоҳлари, Бувайда ва Риштон туманлари халқ таълими бўлимларига қарашли «Бувайда ёшлар орзуси», Т. Сотволдиев номли болалар оромгоҳи, «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятига қарашли «Роҳат», «Қувасойшифер» акциядорлик жамиятига қарашли «Хумо» болалар оромгоҳи жорий мавсумга шай этиб қўйилган.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ва халқ таълими бошқармаси ўртасида «2011 йил ёзги соғломлаштириш мавсуми даврида болаларни дам олишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Мавсум давомида фаолият кўрсатадиган шаҳар ташқарисидаги спорт соғломлаштириш ва кундузги оромгоҳларда ўқувчиларнинг таътил давомидаги бўш вақтини сермазмун ўтказиш мақсадида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ, Республика «Маънавият-тарғибот» маркази вилоят бўлими ва корхоналарга қарашли маданият саройларининг иш режалари ишлаб чиқилган.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 2011 йилнинг 20 май куни болаларни соғломлаштириш мавсуми ташкилотчилари, мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари, оромгоҳлар бошлиқлари иштирокида ўқувсеминар ўтказилиши режалаштирилган.

БОҒИ БОРНИНГ БАҲОРИ БОР

Водий йўлларида шабодадан бошқа нарсанинг овози эшитилмас экан. Йўлнинг икки четини эса 10-15 йиллик кўркам боғлар ўраб олган.

— Йигирма йил илгари кўриб турганингиз поёнсиз ўрикзору, токзорлар ўрнида тақир қирликлардан бошқа нарса йўқ эди. Йўллар тор, ярми чала битказилган, кўпроқ йўлакчага қиёсласа бўларди, — дейди ҳамроҳларимиздан бири — вилоят Машинасозлар ва металлургия ходимлари касаба уюшмаси вакиллар кенгаши раиси Тоир ака Хомидов. — Истиқлолдан сўнг қирларга қувурларда сув тортилди. Баъзи жойларда фермерларимиз дренаж-қудуқлар кавлаб олишган. Ҳозир Қўқондан то Фарғона шаҳригача бўлган минглаб гектар қирларда боғлар барқ уриб турибди.

«Фарғон фреш фрукт» масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган замонавий интенсив боғ, айниқса, ҳайратимизни оширди. Янгиликка интилувчан фарғоналиклар ушбу боғни яратиш учун Сербиядан олма кўчатлари олиб келишибди.

— Боғни ташкил этишда янгича усулдан фойдаландик, — дейди боғбон Аброржон Қаландаров. — Кўчатлар ораси бир метрдан ортмайди. Кўндалангига эса оралиқ 5 метрни ташкил қилади. Боғбонлар тилида буни 5х1 схема дейилади. Серб олмалари серҳосил бўлгани учун икки йилдан сўнг ораликка сўриток ўрнатилади. Шунда дарахт шохлари синиб кетмайди. 38 гектар жойни эгаллаган боғдаги кўчатлар сони 48 минг тупни ташкил қилади. Уч йилдан сўнг ҳар бир тупдан 4-5 кило, 5 йилдан кейин эса 25-30 килодан олма олиш режалаштирилган. Янги нав кўчатлар гектаридан 50-60 тоннагача ҳосил бериш имконига эга. Кўчатлар оралиғининг қисқалиги ер ва сувни тежаш, ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Дарахтлар бўйи 2,5 метрдан ошмаслиги сабабли мева теришда кўп иш кучи талаб қилмайди. 5 метрли оралиқ бўйлаб мини трактор бемалол узилган меваларни боғдан олиб чиқиши мумкин. Қирлик жойда сув тақчиллиги муаммоси бор. Шунинг учун аввало ишни дренаж-қудуқ чиқаришдан бошладик. Ҳозирча қудуқдан чиқаётган сув боғимизга етиб турибди. Келгуси йилдан томчилаб суғориш тизимига ўтилади. Бу борадаги ишларни ҳам бошлаб юбордик. Махсус қувур ва сувни ҳар бир навнинг талабидан келиб чиқиб етказиб берадиган технологиялар олиб келинди.

Ўз изланувчанлиги билан юрт дастурхонини тўкин қилаётган боғбонларга омад тилаб, вилоятнинг гўзал гўшаларидан бири ҳисобланмиш Фарғона туманига йўл олдик.

Каримжон ака Маҳкамов туманнинг «Ёшларобод» қишлоғида яшайди. Ҳалол, ўз меҳнати билан бойиётган тадбиркор деҳқонлардан. Тўрт ўғил, бир қизнинг меҳрибон отаси. Бир неча йил илгари Каримжон аканинг икки ўғли кўчадан гап топиб келди. Эмишки, ўртоқларидан бир нечтаси Россияга ишлашга кетиб, катта пул топишаётганмиш. Болалар ёш эмасми, «кетаман»га тушиб қолишди.

— Ўғилларимни етаклаб томорқага олиб кирдим, — дейди Каримжон ака. — Шу ер ҳаммамизни боқади. Бойимоқчи бўлсанг, бахтингни меҳнатдан қидир, деб айтдим. Ҳар тугул яхши тарбия берган эканман. Бошчилигимда болалар томорқамизда 8 сотих иссиқхона барпо қилишди. Қолган 8 сотихга гилоснинг бозорбоп навларидан экдик. 4 сотих иссиқхонамизда лимон кўчатлари етиштира бошладик. Шаҳар бозори, атроф дўконларга қишин-ёзин помидор, бодринг, қалампир етказиб берамиз. Лимон кўчатлари харидоргир ҳисобланади. Бироқ кўчат етиштиришдан кўра мевани дарахтдан узиб олиш мароқлироқ. Шунинг учун мана уч йилдирки лимонарий ҳам қурганман. Ўтган йили биринчи ҳосилни берди. Ишлар юришиб, ўғиллар ҳам меҳнатга чиппа ёпишган. Ҳазиллашиб «Чет элга бормайсанми» десам, саёҳатга бўлса майли, дейишади. Йилига 20-30 миллион даромад қилаяпмиз. Фарзандларимни олий маълумотли, уйли-жойли, оилали қилдим. Ўғлим Бекзоджон Фарғона давлат политехника институтини тамомлаб, «Фарғонаазот» ОАЖда инженер бўлиб ишлаяпти. Укаси Шерзодни ёнига олди. У ҳам иқтисодиёт факултетини тугатиб, заводга ишга кирган. Кичкинам Шуҳрат эса ер билан тирик. Ҳозир иссиқхоналарни у бошқаради. Данғиллама иморат солдим. Ўйлаб қарасам болаларимга машина олиб берибману ўзимга келганда қизғонаётган эканман. Турмуш ўртоғим Роҳатойнинг қистови билан «Нексия-2» сотиб олдим. Иккимиз машинада шаҳар айланамиз, сиҳатгоҳларга дам олгани борамиз. Буларнинг бари истиқлол берган имконият туфайли. Илгарилари томорқангда пишган олмани бозорга олиб чиқсанг, «спекулянт» деган ном олардинг. Биздақалар машина минишни-ку орзу ҳам қила олмасди. Меҳнат қилган кам бўлмайдиган замонадан айланай.

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

— Кенгашимиз тасарруфида «Фар-Дугоба» спорт соғломлаштириш марказидаги, «Ал-Фарғоний» дам олиш уйи, «Ёшлик» сув спорти мактаби, ЖТСЖ, «Ниҳол» болалар оромгоҳи мавжуд, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши матбуот маркази котиби Сурайё Аглаева. — Ушбу муассасаларда ходимлар ва ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Касаба уюшмалари тизимидаги 4 та маданият масканларида 73 та тўгарак ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатиб, уларда 10 мингдан зиёд киши шуғулланиб келмоқда. Мавжуд 11 та кутубхона фонди 85901 нусхани, китобхонлар эса 5300 дан ортиқни ташкил этади.

Ҳар йили 1400 дан зиёд ишчи-ходим, талабалар ўқиш ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 та санаторий-профилакторийларда даволанади. Ёз мавсумида эса 21 мингдан зиёд болалар, жумладан, 1000 нафар «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари оромгоҳларда соғломлаштирилади.

Маълумки, республика касаба уюшмалари Ўзбекистон спортчиларининг 2012 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлигини пухта ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишида олиб борилаётган ишларда фаол иштирок этиб, хусусан, Ўзбекистон велоспортчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда.

Яқинда Фарғона вилоятида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Нуроний» жамғармасининг вилоят кенгаши ва «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан Қўштепа тумани меҳнат фахрийлари ҳамда касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгашининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари ва спортчилари иштирокида Мустақилликнинг 20 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган веломарафон бўлиб ўтди.

Ташкилотчилар Фарғона вилоятида юз берган улкан ижобий ўзгаришлар билан танишиш, эришган ютуқларимизни яна бир карра намойиш этиш, коллежлар ва мактабларда ёшлар билан учрашувлар ўтказиш, велоспортни тарғиб қилишни режалаштирган эдилар. Шунга кўра, Олтиариқ туманида меҳнат фахрийлари билан қизиқарли учрашув уюштирилди. Велопойгачилар 2000 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Қўқон шаҳрида кетаётган катта таъмир ва бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Риштон, Боғдод, Учкўприк, Бувайда туманларида рўй берган мислсиз ижобий ўзгаришлар гувоҳи бўлишди. Бувайда туманида соҳибкор деҳқонлару тажрибали чорвадорлар билан учрашдилар.

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ йигирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб оламиз. Ўтган давр мобайнида халқимизнинг матонати, эзгу мақсади, хоҳиш-иродаси, бунёдкорона меҳнати эвазига тараққиёт йўлидан илдам илгарилаб бораётган жаннатмонанд Ўзбекистон дунёга довруғ таратмоқда.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг нуфузи тобора юксалиб бораётганлиги, ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш зарурлиги уқтирилган.

— Қарордаги байрам тантаналари арафасида режалаштирилган ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга туширишни топшириғи биз қурувчи-бунёдкорлар кучига куч қўшиб, ғайратли меҳнатга ундайди, — дейди «Янги авлод қурилиш инвест» корхонаси директори Шавкатжон Йўлдошев. — Тўйга тўёна билан бормоқлик элимизнинг эзгу удуми. Наврўз байрами арафасида намунавий лойиҳа асосида қурилган 5 та уй ўз эгаларига топширилган эди. Айни кунда яна 15 та шинам, барча қулайликларга эга бўлган ҳовли-уйлар Миндонобод шаҳарчаси кўркига-кўрк бўлиб қўшилмоқда. Кўркам кошоналар мустақиллигимизнинг қутлуғ тўйига муносиб тўёнамиздир.

Дарҳақиқат, тарихан қисқа даврда мамлакатимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

— Туманимизда ҳам қаторқатор янги уйлар, маданий-маиший бинолар қурилди, — дейди Боғдод туманидаги «Суҳроб Сулаймонов» фермер хўжалиги бошлиғи Сулаймон Умаров. — Оиламиз ҳаётида ҳам истиқлол берган буюк имкониятларни кўриш мумкин. Мустақиллик туфайли эмин-эркин меҳнат қилиб, мулкдор бўлдик. Ҳозир ихтиёримизда 70 гектар ер майдони бор. Ҳар йили тонна-тонна сархил меваларни халқимиз дастурхонига тортиқ қилмоқдамиз. Меҳнат орқасидан турмушимиз ҳам тобора фаровонлашиб бормоқда.

* * *

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги, улкан марраларни кўзламоқда. Бунинг учун бизда хоҳиш, мақсад, ирода ва барча имкониятлар мавжуд. Эртанги кунга қатъий ишонч билан интилаётган, буюк келажагимиз пойдеворини яратаётган олижаноб халқимиз бор.

Мамлакатимизнинг гўзал гўшаларидан бири — Фарғона вилояти бугун янада гўзаллашиб, яшариб, янгиланиб, иқтисодий салоҳияти кундан-кун ошиб бораяпти. Бу ерда барчанинг юрагида бунёдкорлик ҳисси жўш ураётганини сезиш қийин эмас. Бундан юрт обод, Ватан гўзал, халқ фаровон бўлаяпти. Одамларнинг турмуш даражаси йил сайин кўтарилаяпти.

Сафаримиз давомида қилган хулосамиз шу бўлдики, фарғоналиклар кўпни кўрган, оғир синовларда тобланган, меҳнаткаш, матонатли халқдир. Бундай одамлар билан ҳар қандай машаққатни енгиб ўтиш, янги-янги марраларни қўлга киритиш, янада улуғвор ишларни амалга ошириш мумкин.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбирлари.
Фозил МАМАШАРИПОВ
олган суратлар

Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 19-may № 62 (2943)

Тезроқ, баландроқ, кучлироқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Очилиш маросими

17 май. Соат 10:00. «Яккасарой» спорт мажмуи. Спартакиада иштирокчилари мағрур ҳилпираб турган байроғимиз олдида саф тортиб, қўлларини юрак устига қўядилар. Жарангдор мадҳиямиз садолари янграй бошлайди...

Серқуёш, хур ўлкам элга бахт-нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон...

Кўзларда фахр туйғулари бўй кўрсатади...

Спартакиадани очиб берган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирокчиларни мазкур мусобақа билан табрикларкан, жумладан, шундай деди:

— Республикамизда Президентимиз раҳнамолигида спортга берилаётган катта эътибор барчамизни бирдай қувонтиради. Бундай эътибор самараси ўлароқ касаба уюшма спортчилари ҳам жаҳон ареналарида халқимизга ажойиб ғалабаларни тақдим этишмоқда. Гуанчжоуда бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида терма жамоамиз ғазнасига қўшилган медалларнинг катта қисми бизнинг спортчиларга тегишли экани кўнглимизни жунбушга солади. Яқинда Полшанинг Познан шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқич мусобақалари яккалик беллашувларида иштирок этган спортчимиз Вадим Меньков яна бир карра дунёда тенгсиз эканлигини исботлади. Енгил атлетикачимиз Гўзал Хуббиева эса Японияниг Кавасаки шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро мусобақада кумуш медали соҳибаси бўлиб, барчамизни қувонтирди. Бугун бошланаётган спартакиада ҳам ушбу ғалабали одимларга эш бўлади, деб умид қиламиз.

Жараён

Шундан сўнг мусобақага старт берилди. Бир ёнда стол теннисига ҳавасманд эркагу аёл ракеткаларини жангга шайламоқда. Бир ёнда доналарни ҳаракатга келтираётган шахматчилар. Бир тарафда енгил атлетика бўйича беллашаётганларнинг шиддатидан юрак қинидан чиқай дейди. Стадионда эса муросасиз ўйинларга ҳозирлик кўраётган мини футболчилар чигилёзди машқларини бажаришмоқда. Ёшу қарини бирлаштирган бу спартакиаданинг финал босқичида мамлакатимиз касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган энг кучли, минтақавий баҳсларнинг саралланган спортчилари беллашади-ю, мусобақа зерикарли ўтармиди!

Пинг-понг

Стол теннисининг халқаро номларидан бири шундай. Аниқлик ва чаққонлик ортиқ даражада талаб этиладиган мазкур ўйинда иштирокчилар ғолибни аниқлаб олиш учун анча тер тўкишди. Ниҳоят, ғолиблар аниқланди. Улар билан танишинг.

Эркаклар ўртасида:

1-ўрин — Собир Саидхўжаев (Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси)

2-ўрин — Шуҳрат Абдураҳимов (Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

3-ўрин — Турғун Дадамуҳамедов (Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси).

Аёллар ўртасида:

1-ўрин — Гуля Усмонова (Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси)

2-ўрин — Марвара Орипова (Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

3-ўрин — Зулфия Агзамова (Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси).

— Албатта, мусобақанинг республика финал босқичигача етиб келиш осон бўлгани йўқ, — дейди Зулфия Агзамова. — Бунинг учун мунтазам равишда машғулотлар олиб бордик. Ҳаракатларимиз зое кетмади. Чирчиқ шаҳрида ўтказилган Сирдарё, Жиззах, Тошкент шаҳри ва вилояти жамоалари ўртасидаги ҳудудий босқичда биринчи ўринни қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдим. Финал номи билан барибир финал. Бу ерда рақобат жуда кучли. Ҳали камчиликларим кўплигини билдим. Кейинги гал, албатта, ғолиб бўламан!

— Мазкур спартакиаданинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудий босқичида жамоаларимиз футбол, енгил атлетика ва стол теннисидан биринчи ўринга сазовор бўлиб, пойтахтда иштирок этиш имкониятини қўлга киритди, — дейди Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Дадажонов. — Бундай мусобақалар соғлиғимизни тиклашга ёрдам бериши билан бирга, одамлар ўртасида аҳилликни ҳам мустаҳкамлайди.

Югур, сакра, граната от

Бу сўзлар ҳарбий машқларга тегишли эмас. Енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақа таркибидан 100 метрга югуриш, турган жойидан узунликка сакраш, спорт гранатасини улоқтириш каби турлар жой олганди. Бу машқларни адо этган иштирокчилар орасидан ғолибларни аниқлаш осон бўлмади.

Эркаклар ўртасида:

1-ўрин — Санжар Толипов (Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси)

2-ўрин – Муроджон Эминжонов (Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

3-ўрин — Йўлчибой Раҳимжонов (Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

Аёллар ўртасида:

1-ўрин — Муқаддас Расулова (Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

2-ўрин — Муҳайё Холбоева (Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

3-ўрин — Севара Умарова (Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси)

— Спорт билан шуғулланиш ҳеч қачон ҳеч кимга зиён келтирмаган. Аксинча, барча замонларда ҳам спортнинг бирор-бир тури билан шуғулланган кишининг ишида унум ва барака, соғлиғи жойида бўлган. Футбол жуда қизиқаман. Лекин бугун ушбу тадбирда енгил атлетика баҳсларида ҳам ўзимни синаб кўрдим ҳамда учинчи ўринга сазовор бўлдим, — дейди Тошкент шаҳар жамоаси вакили Йўлчибой Раҳимжонов.

— Биринчи ўринни олиш учун астойдил тер тўкишга тўғри келди, — дейди енгил атлетика беллашувларида 127,6 балл жамғарган фарғоналик Муқаддас Расулова. — Республика миқёсида ғолиб бўлганимдан хурсандман. Албатта, ҳар қандай натижага тинимсиз меҳнат ва доимий машғулотлар эвазига эришиш мумкинлигини мен бугун ҳис этдим.

Шоҳ ва мот

Мана шу икки сўзни айтиш учун шахматчилар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишди. Бу спорт турида нафақат ақл ва тафаккур, балки асаблар ҳам курашади. Сўзимизга шубҳа қилсангиз, бир-бирига тенг икки рақибнинг ўйинини диққат билан кузатинг. Барчасига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Демак, спартакиаданинг совриндорлари.

Эркаклар ўртасида:

1-ўрин — Ҳусан Омонов (Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

2-ўрин — Ғофуржон Ҳамидов (Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси)

3-ўрин — Эркин Қамбаров (Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси)

Аёллар ўртасида:

1-ўрин — Гулчеҳра Раметова (Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси)

2-ўрин — Марина Тен (Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

3-ўрин — Лазокат Турикова (Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси)

Шахматнинг «укаси»

Шашка бўйича беллашганлар ҳам роса терлашди. Ҳар бир стол тепасида бир неча томошабинни кузатиш мумкин эди. Ниҳоят ғолиблар аниқланди.

Эркаклар ўртасида:

1-ўрин — Владимир Бегларян (Алоқа ходимлари касаба уюшмаси)

2-ўрин — Азамат Шоимов (Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

3-ўрин – Зайниддин Ўринбоев (Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

Аёллар ўртасида:

1-ўрин — Саятхон Жумабоева (Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)

2-ўрин — Дилором Тошматова (Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси)

3-ўрин — Гулнора Абдуллаева (Авиаходимлар касаба уюшмаси)

Финалмисан финал!

Спартакиаданинг энг қизғин кечган баҳсларини мини футболчилар юзага келтиришди, десак хато қилмаймиз. Икки гуруҳга бўлинган, саралланган саккиз жамоанинг ҳар бири ғолиблик учун ташриф буюрганини яшириб ўтирмади. Қизғин кечган ўйинларда «А» гуруҳидан 1-ва 2-ўринларни қўлга киритган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси жамоалари кейинги босқич йўлланмасига эга бўлишди. «Б» гуруҳидан эса бундай вазифани Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоалари адо этди. Натижада, 3-ўрин учун кечган баҳсда пенал тилар сериясида фарғоналикларни мағлуб этган алоқачилар совриндорлар сафидан жой олишди. Финалда эса бир-бирига ҳар жиҳатдан тенг жамоалар рўпара келишгани илк дақиқаларданоқ сезилди. Айниқса, тошкентликлардан Нуршод Ғиёсов, Равшан Абдуқодиров, Олим Усеновларнинг ҳаракатлари алоҳида ажралиб турди. Иккала жамоада ҳам бир қатор имкониятлар юзага келди. Бундай имкониятлардан икки бор унумли фойдаланган таълим ва фан ходимлари ғолибликни қўлга киритишди.

— Спартакиаданинг саралаш босқичи кутганимиздан ҳам қизғин кечди, — дейди Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Баҳодир Бегимқулов. — Мунтазам равишда олиб борилган тайёргарлик машғулотлари ўз самарасини берди. Яна бир марта ишонч ҳосил қилдикки, интилган тоғни ҳам ошиб ўтар экан.

Якунда ғолиб ва иштирокчиларга медал, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Мусобақалар давом этади

Шундай қилиб уч кун давом этган Республика спартакиадасининг финал босқичи ўз якунига етди. Бу мусобақа кўпчиликни бир-бирига яқинлаштирди, дўстлик ришталарини маҳкамроқ боғлади. Юртимиз тинч, элимиз фаровон, эртанги кунимизга ишонч бор экан бундай мусобақалар давом этаверади.

Нарзулла МАХАМОВ,
Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбирлари.
Икром ХАСАНОВ
олган суратлар

Мини футбол

Қобилиятли ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим қирраларидан бирига айланган. Шу боис йил давомида кўплаб тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Турнир ғолиби аниқланди

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг «Термоқ тизимидаги коллеж талабалари ўртасида мини футбол бўйича турнир ўтказиш тўғрисида»ги раёсат қарорига асосан Тошкент вилоят вакиллигига қарашли «Тўйтепа металл қурилмалари» ОАЖда талабалар ўртасида мини футбол бўйича турнир ўтказилди.

Мусобақада Бекобод, Бўка, Олмалиқ, Чирчиқ, Оҳангарон туманларидаги касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирок этдилар. Узоқ беллашувлардан сўнг Бекобод қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи биринчи ўринни эгаллади ҳамда навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Оҳангарон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига иккинчи ўрин насиб этди. Бўка қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежи эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолибларга кубок, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

«ХВ FINANCE KONSULTING» МЧЖ шаклидаги аудиторлик фирмаси почта манзили Мовараунаҳр кўчасидан Амир Темур кўчасига ўзгарганини маълум қилади.

Чотқол қўриқхонасининг хушманзара доирасида жойлашган

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи «КОНСТРУКТОР»

2011 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменада ташкил этилиб, ҳар бир смена 15 кундан иборат.

Мавсумнинг бошланиши — **14.06.2011 й.**
Йўлланманинг баҳоси **230 минг сўм**
Қийматига **5 мартали овқатланиш,** тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлар киради.
Йўлланмаларни улгуржига олувчиларга чегирма билан сотилади.
Йўлланмаларни улгуржи баҳоларда олувчиларга чегирмалар мавжуд.

Манзил: Олмазор тумани, Ғалаба -1
Тел: 248-15-01; 248-10-03

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: T. Shernayev
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 07.20

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

1 345